

2018

SPIRITUALITY OF LIDER IN ISLAM LAW

O'ktam Shakarov

International Islamic Academy of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Shakarov, O'ktam (2018) "SPIRITUALITY OF LIDER IN ISLAM LAW," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 8.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ

ДУХОВНОСТЬ РУКОВОДИТЕЛЯ СОГЛАСНО ИСЛАМСКОМУ ПРАВУ

SPIRITUALITY OF LIDER IN ISLAM LAW

Калит сўзлар: давлат, жамият, ҳуқуқ, маънавият, ахлоқ, фазилат, норма, маънавий фазилатлар, ахлоқий нормалар, давлат бошқаруви, дин, раҳбар, шариат, ислом дини, ислом ҳуқуқи.

Ключевые слова: государство, общество, право, духовность, нравственность, достоинство, норма, духовные достоинства, нравственные нормы, управление, государственное религия, руководитель, шариат, исламская религия, исламское право.

Key words: State, society, law, spirituality, morality, dignity, Norma, spiritual virtues, ethical norms, public administration, religion, head, the Sharia, Islamic religion, Islamic law.

Давлат ва давлатлараро муносабатлар ривож тарихий вақт нуқтаи назаридан давлат бошқаруви маданиятининг ривожланишига олиб келган. Муносабатларнинг шаклланиши натижасида давлат бошқарувининг илмий-назарий асослари шаклланди. Айни пайтда, давлатнинг вужудга келиши бошқарувга эҳтиёж туғдирган бўлса, бундай эҳтиёж сиёсат билан амалга оширилган. Аммо сиёсатнинг томонлар манфаатларига мос келиши, унинг тенглик ва адолат тамойилларига бўйсундирилиши фақат ахлоқий қадриятлар негизда амалга оширилиши мумкинлиги англаб етилган. Лекин, шунга қарамадан унинг амалий ижросини таъминлаш ниҳоятда қийин кечган.

Аждодларимиз томонидан давлатчилик бошқаруви асослари, раҳбар ахлоқи мезонлари, жамият бошқаруви борасида бетакрор ноёб тарихий ва адабий манбалар яратилган. Мазкур қадриятлар миллий давлатчилигимизнинг пойдевори бўлиб, уни ўрганиш, татбиқ қилиш, замонавий давлатчилик талаблари билан уйғунлаштириш миллатимизнинг ўзига хос анъаналарини ривожлантиришга хизмат қилади.

Раҳбарлик лавозимларига танлаш ва тайинланишнинг турли-туман усуллари умуллаштирилганда, маълум шартларнинг мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Бу борада давлат бошқаруви мансабларига тайинланадиган номзодларнинг куйидаги ху-

сусиятларига алоҳида аҳамият берилган: обрў-эътибори; ҳарбий салоҳияти; эътиборли сулолааларга алоқадорлиги ва насл-насаби; илм-фанни эгаллаганлиги; дин ва шариат арконларини яхши билиши, фикрдаги билим даражаси, диний жиҳатдан насл-насаби; иқтисодий қудрати; кучли ёки эътиборли уруғ-қабиллага мансублиги [1:26].

VIII асрдан бошлаб давлат бошқаруви тизимида ислом ҳуқуқи ва шариати қоидалари кенг ўрин тута бошлади. Марказий Осиёда араб халифалиги ўрнатилгач, жамият тартибини Қуръон ва ҳадислар асосида ташкил этиш қоидага кирди. Ислом динини қабул қилганлар сонининг кўпая бориши ва бошқарувнинг узлуксиз тарзда мусулмонлар қўлида бўлиши давлат бошқарувида ислом дини ақидаларининг аҳамиятини оширди. Айни вақтда, давлат бошқарувидаги тартиб-қоидаларни янада мукаммаллаштиришга эҳтиёж пайдо бўлди. Бунда ислом динидаги барча инсонларнинг ўзаро тенг ҳуқуқли эканлиги муҳим ўрин тутди. Натижада ислом ҳуқуқини тадқиқ қилиш, ҳаётда учраши мумкин бўлган ҳар бир воқеа-ҳодисанинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ёки кашф этиш мақсадида бошланган ҳаракатлар бутун мусулмон оламини қамраб олди. Шу асосда ислом фикр (қонун) шунослиги ва ҳадисшунослиги илм сифатида шаклланди бўлса, кейинроқ эса у ижтимоий-сиёсий ҳаётда моддийлашди ҳамда амалиётга жорий этила бошланди. Шунини таъкидлаш лозимки, ислом фикршунослиги ва ҳадисшунослиги илми ва уламолари давлат бошқаруви ва давлат мансабларига танлаш тизимида ўз таъсирини ўтказди [2:256]. IX асрга келиб давлат бошқарувининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий тармоқларида фақиҳ ва муҳаддислар томонидан тузилган ва оммалаштирилган тартиб-қоидалар асосида иш олиб бориш анъанага айланди. Уларнинг шаклланишида Марказий Осиёда яшаган Абу Сулаймон ал-Жузжоний (в. 815–816), Абу Ҳафс ал-Бухорий (в. 832 й.), Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний (в. 805 й.), Имом Абу Мансур ал-Мотуридий (в. 944–945 й.), Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий (в. 930 й.), ал-Ҳаким ас-Самарқандий (в. 953 й.), Абу Лайс ас-Самарқандий (в. 983 – 984), Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Бухорий (в. 991 й.), Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафий (1069–1143), Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197) каби мутафаккирларнинг хизматлари беқиёс бўлди.

Ҳуқуқшунос олимлар – Аъзамжон ва Абдумухтор Раҳмановларнинг қайд этишларича, “ўша даврда яшаган ислом ҳуқуқшунослари ўтмишдошларининг ҳеч қандай ҳукми бўлмаган янги ҳаётини вазиятларни

ҳал қилишларига тўғри келган. Улар ҳанафийлик мазҳаби анъаналари ва маҳаллий урф-одатларга асосланиб, турли масалалар юзасидан фатво (қарор, аҳоли томонидан эътироф этилган бундай қарорлар йиллар ўтиши билан шариат қонунларига айланиб борган) чиқарганлар. Бу фатволарда Мовароуннаҳр аҳолиси турмуш тарзи ва яшаш шароитининг хусусиятлари ўз аксини топган. Манбаларда ислом ҳуқуқининг фароиз (ворислик), мулк, уқубат (жиноят ҳуқуқи), муомалот (фуқаролик ҳуқуқи) каби тармоқларига аниқ таъриф берилган [3: 211-212]. Жумладан, бу даврда давлат мансабларига номзодлар танлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаган. Мовардий ўзининг “Ал-аҳқом ас-султония” номли асарида шу масалага эътибор қаратади. У қозиликка танлашда қуйидаги етти шартга эътибор қаратилиши зарур деб ҳисоблайди: қози бўлувчи шахс эркак ва вояга етган бўлиши; комил ақл-фаросатли, ҳар бир масаланинг моҳиятига етувчи, зийрак, ғафлат ва эътиборсизликдан йироқ ҳамда ҳар қандай қийин масалани ҳал қилишда тадбир топа олиш қобилиятига эга бўлиши; озод бўлиши (қул ёки боқиманда бўлмаслиги); тўғри сўз, адолатли бўлиши, омонатдорлик, гуноҳ ва ҳаром ишлардан тийилиши, шубҳалардан йироқ бўлиши, ғазаб ва тинч ҳолатида ҳам бир фикр ва мақсадда туриши, дин ва дунё ишларида мурувватли бўлиши; соғ-саломат, кўриш ва эшитиш аъзолари саломат бўлиши; ислом ҳуқуқи соҳаларини ва ислом ҳуқуқининг қонунчилик асосларини яхши билиши керак. Тадқиқотчи К.Собирова “Қози бўлишнинг етти шarti” мақоласида бу асарни батафсил шарҳлаб ўтади [4:63].

Шунингдек, ўзбек олимлари – академик Б.Валихўжаев, Носир Муҳаммад ва немис олими Улрих Рудольф тадқиқотларида ҳам бу даврдаги давлат бошқаруви раҳбарларини танлаш тизими билан ислом фикҳшунослигининг ўзаро алоқалари тўғрисида кўплаб тарихий маълумотлар таҳлил этилган [5:20-35].

Ана шу даврда ҳадисшунослик соҳасида етишиб чиққан кўплаб алломалар фақат муҳаддис сифатида эмас, балки файласуф олимлар ва давлат арбоблари сифатида ҳам эътироф этилган. Масалан, Носир Муҳаммаднинг қайд этишича, “Насафда туғилиб ўсган Муҳаммад Нахшабий машҳур файласуф ва шоир бўлиш билан бирга, давлат арбоби бўлиб, Наср ибн Аҳмад Сомонийнинг (914–943 й.) бош вазири даражасигача кўтарилган. Давлат бошқаруви ва мафкура тизимида ҳам у жуда катта таъсирга эга бўлган” [6: 26]. Бурҳониддин Марғинович эса Самарқанд шайхулисломи мансабини

Мақолада ислом ҳуқуқида бошқарув, давлат бошқаруви, бошқарувда раҳбар маънавияти масаласида фикр билдирилиб, раҳбарлар ўз фаолияти давомида амал қилиши лозим бўлган маънавий-ахлоқий фазилатлар ҳақида сўз юритилган.

В статье говорится о процессе управления в целом и о государственном управлении в частности, рассматриваются духовно-нравственные качества руководителей, которых они должны придерживаться в своей деятельности, согласно постулатам исламского права.

This article deals with governance in Islamic law, government, as well as the spiritual and moral qualities of leaders that they must adhere to in their work.

эгаллаган [7:256]. Кўплаб ислом уламолари давлат хизматининг турли даражалардаги мансабларида ишлаган, раҳбар шахсларга бевосита маслаҳатчи мақомида турганлар.

XVI асрнинг охирларига қадар ислом фикҳшунослиги ва ҳадисшунослигининг давлат бошқаруви тизими, жумладан, давлат мансабларига танлаш тизимининг тараққий этишига таъсири давом этди. Унинг илм-фан сифатидаги ривожланиши мўғуллар босқинидан сўнг анча тўхтаб қолди [8:138].

Бу даврда инсон ҳуқуқлари таъминланиши бўйича қатор қонунлар жорий этилдики, улар баъзи мансабдорларга ўзларидан юқори бўлган мансабдорларнинг фаолияти устидан ҳам назорат қилиш ваколатини берар эди. Масалан, Низомулмулкнинг хабар беришича, ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавийнинг машҳур лашкарбошиси Али Нуштегин (у 50 минг кишилик мунтазам давлат қўшинининг амири бўлган) давлат ва шариат томонидан ўрнатилган қоидаларни бузиб, бозорга маст ҳолда келганлиги учун муҳтасиб (ғазнавийлар даврида бозорда савдо-сотиқ ишларини шариат талаблари асосида бўлишни текширадиган мансабдор) томонидан қаттиқ калтакланган [9:51]. Умуман, фикҳшунослик ва ҳадисшунослик ислом шариат қонунларининг шаклланишида, унинг воситасида эса давлат бошқарувида оид барча соҳаларда ҳуқуқий асосларнинг юзага келишида ҳам муҳим ўрин тутган [10: 94].

IX – XVI асрларда эса давлат бошқаруви ишларида мутасаввиф ва турли ижодкорлар тоифаси ҳам фаол иштирок этганлар. VIII асрда пайдо бўлган зоҳидлик ҳаракати IX – XVI асрларда бутун мусулмон оламини ўз таъсир доирасига торта олган қатор тасаввуф оқимларини вужудга келтирди. Айниқса, Марказий Осиёда бирин-кетин шаклланган хожалар-нақшбандия, кубровия, яссавия тариқатлари мазкур минтақа аҳолисининг маънавий-ахлоқий,

маданий камолотга эришишида муҳим ўрин тутди. Бу тариқатлар жамиятнинг олий табақасидан бошлаб, то энг қуйи табақагача бўлган тоифаларда ўз мухлисларига эга эди. Улар жамият ва давлат бошқаруви тизимининг маънавий-мафкуравий соҳалари тараққиётига муҳим ҳисса қўшдилар. Тасаввуф тариқатлари вакиллари йирик мансабдорлар, ҳатто давлат ҳукмдорлари бошқарув фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказганлар. Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Соҳибқирон Амир Темур сайидлар ва тасаввуф намояндаларига юксак даражада эътибор қаратган, давлат ишларини юритиш, жумладан, мансабдорларни тайинлаш ишларида ҳам ўз даврининг йирик дин пешволари, жумладан, машҳур тасаввуф алломалари маслаҳатларига қулоқ солган [11]. “Темур тузуқлари” да келтирилишича, Амир Темур давлат бошқарувида оид кўп масалаларни ўз пирлари Шамсуддин Кулол, Сайид Барака, Зайниддин Абубакр Тойбодийлар маслаҳатлари асосида ҳал этган. “Тузуқлар” да Амир Темур Зайниддин Абубакр Тойбодийнинг қуйидаги фикрини келтиради: “Абулмансур Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат айла; 3) ҳушёрлигу мулоҳазакорлик билан қатъий қарор чиқар; 4) эҳтиёткорлик қил... Яна шуни ҳам биалгим, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлмай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур. Тадбирлардан огоҳ қилингандан кейин шуни айтиш жоиздирким, қатъийлик, сабр, чидамлик, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилгай”. Соҳибқирон Амир Темур пирининг бу насиҳатлари ҳақида шундай фикр билдиради: “Бу менга йўл бошловчи янглиғ раҳнамолик қилди. У менга салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини аниқлади”. Бошқа бир ўринда эса Амир Темур Эрону Турон минтақасидаги сайидлар, олимлар, шайхлар, фозиллар, уларнинг аждодлари мазор қабристонларини, дарвешлару зоҳидларни давлат ҳисобидан маблағ ҳамда турли ижтимоий шарт-шароитлар билан таъминлашга буйруқ берганлигига доир ахборот берилади. Шунингдек, мутасаввифлар ҳам жамият ва давлат бошқаруви масалаларини ҳал этишда четда турмаганлар [12:208]. Академик Б.Валихўжаев маълумотларига кўра, теъмурий ҳукмдорлар даврида ҳам бу каби анъаналар давом этган [13:96].

Хулоса қилиб айтганда, раҳбар маънавияти гоёси нафақат ислом ҳуқуқи ривожланаётган даврлар учун, балки, бугун ҳам гоётада аҳамиятли. Зотан, раҳ-

барнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиб бўлиши мамлакат тараққиётининг муҳим омили. Шу жиҳатдан, ҳозирги замонда раҳбар шахслар маънавиятини шакллантиришда, авваламбор, бу соҳадаги ўтмиш меросимизни ўрганиб, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлардан оқилона хулоса чиқариб, бугунги кун талабларини тўғри англаб етадиган ва келажакни кўра оладиган кадрларни танлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Равшанов Ф. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, 2009. – 26 б.
2. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2002. –256 б.
3. Раҳманов А., Раҳманов А. Ислом ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2007. –Б. 211-212.
4. Собирова К. Қози бўлишнинг етти шарти. Ҳуқуқ Права. LAW. 2005, 3(31)-сон. –Б. 63.
5. Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. –Т.: Ёзувчи, 1994. –Б. 20-35.; Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. –Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашри, 2001. –Б. 94-168.; Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2006.-128 б.; Ҳадис. Ал-жомий ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. 1-жилд. -560 б.; Комилов Н., Жўраев К. Дин давлат ва жамият. –Т.: Akademiya, 2006. –Б. 125-140.; Абдуазизова Н. Матбуот ва маънавий мерос. –Т.: Akademiya, 2004. -160 б.
6. Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2006. –Б. 26.
7. Раҳмонов А., Раҳмонов А. Ислом ҳуқуқи. –Т.: “ТДЮИ”, 2007. –Б. 227.; Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2002. -256 б.
9. Комилов Н., Жўраев К. Дин, давлат ва жамият. –Т.: Akademiya, 2006. –Б. 138.
10. Низомулмулк. Сиёсатнома. –Т.: Адолат. 1997. –Б. 51.
11. Каланов К. Марказий Осиё ҳудудидаги ижтимоий-диний табақалар.-Т.: Markaziy Osiyoni tadqiq qilish fransuz instituti, 2006. -94 б.

12. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. –Т.: Камалак, 1994.

13. Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. –Т.: Шарқ, 2004. -208 б.; Хожа Абдухолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. –Т.: Янги аср авлоди, 2005. -88 б.; Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996. –272 б.; Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. 2-китоб. –Т.: Ўзбекистон, 1999. -208 б.; Кадырова М. Жития Ходжа Ахрара.-Т.: Markaziy Osiyoni tadqiq qilish fransuz instituti, 2007. -140 б.

14. Валихўжаев Б. Хожа Ахрор тарихи.–Т.: Ёзувчи,1994. -96 б.

O‘ktam SHAKAROV,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ижтимоий-гуманитар фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

